

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

**ЁНИЛҒИ-МОЙЛАШ МАТЕРИАЛЛАРИ СОТИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ
ТЎҒРИСИДА**

Ёнилғи-мойлаш материаллари беришни тартибга солиш, ёнғинга қарши қоидалар бузилишининг, шунингдек, аҳоли ҳаёти ва саломатлиги учун хавф туғдирадиган хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ёнилғи-мойлаш материалларини фақат белгиланган тартибда махсус жиҳозланган стационар, кўчма, контейнерли автоёнилғи қуйиш шохобчаларида сотишга рухсат этилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ёнилғи-мойлаш материалларини белгиланмаган жойларда ва ёнғинга қарши қоидаларни бузган ҳолда сотиш ҳолларини қатъий бартараф этсин. Ушбу қоидаларга риоя қилмаган шахсларга нисбатан материалларни ўз вақтида расмийлаштирсин ва уларни жавобгарликка тортиш учун тегишли органларга топширсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ўзига берилган ҳуқуқлардан кенг фойдаланган ҳолда, фойда (даромадлар)ни яшириб қолиш ҳолларини аниқласин, бухгалтерия ҳисоботларини белгиланган тартибга хилоф равишда кечиктириб топширишда ва маълумотларни бузиб кўрсатишда айбдор бўлган шахсларга нисбатан қонунчиликка мувофиқ ўз вақтида таъсир ўтказиш чораларини кўрсин.

4. Автоёнилғи қуйиш шохобчаларининг ишлаш **Қоидалари** тасдиқлансин (илова қилинмоқда).

5. «Ўздавнефтмахсулот» давлат-акционерлик бирлашмаси, республика вазирликлари, идоралари, корпорациялари, уюшмалари, ташкилотлари нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ҳисобга олиш, ташиш, бериш ва улардан фойдаланиш бўйича амалдаги қоидалар, нормативлар ҳамда стандартларга риоя этилиши устидан қатъий назоратни таъминласинлар.

6. «Ўзбекнефтгаз» миллий корпорацияси нефть маҳсулотларини сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун иқтисодий жазоларнинг самарали қўлланишини белгиланган тартибда таъминласин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг ўринбосари Ҳаққулов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
1994 йил 6 май,
240-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
1994 йил 6 майдаги 240-сон қарорига
ИЛОВА

Автоёнилғи қуйиш шохобчаларининг ишлаш

ҚОИДАЛАРИ

1. Автоёнилғи қуйиш шохобчалари (АЁҚШ) транспорт воситаларига нефть маҳсулотлари қўйишга мўлжалланган. Баъзи АЁҚШларда автомобиллар учун мой, суркаладиган консистент моддалар, автомобиллар ва бошқа транспорт воситалари учун эҳтиёт қисмлар ва жиҳозлар сотиш, шахсий транспорт эгаларидан ишлатилган мойларни ва нефть маҳсулотларидан бўшаган кичик идишларни қабул қилиб олиш, техника хизмати кўрсатиш, автомобилларни ювиш ва аҳолига бошқа хил хизматлар кўрсатиш ташкил этилади.

2. АЁҚШлар стационар, кўчма (КАЁҚШ), контейнерли (КАЁҚШ ва блок-пункт)ларга бўлинади. Стационар АЁҚШлар шаҳарларда ва аҳоли яшайдиган жойларда, шунингдек, автомобиль йўлларида жойлашади. Кўчма АЁҚШ (КАЁҚШ) автотранспорт, кишлок хўжалиги техникаси, моторли қайиқлар ва катерлар тўпланадиган жойларда, дала шароитларида, туристик автотўналишларда, резервуарларни тозалаш ва тузатиш даврида стационар АЁҚШлар ҳудудларида жойлаштирилади. Улар автомобиль ва тиркама техника шассиларига ўрнатилади.

Контейнерли АЁҚШ катта автотўлларда, туристик автотўналишларда, автомобиль хўжаликларида, саноат ва кишлок хўжалиги корхоналарида, пулли автомобиль тўхташ жойларида, гараж кооперативларида, шунингдек, автомобиль транспорти кўплаб тўпланадиган жойларда жойлаштирилади.

Барча АЁҚШлар назорат-касса аппаратлари билан таъминланган бўлиши керак.

(2-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 8 февралдаги 59-сонли қарорига мувофиқ учинчи хатбоши билан тўлдирилган)

3. Шахсий транспортга хизмат кўрсатиш учун алоҳида АЁҚШ белгиланади.

4. Нефть маҳсулотлари АЁҚШларга автомобиль ва темир йўл транспортида етказиб берилади.

5. Умумий фойдаланишдан АЁҚШ «Ўздавнефтмаҳсулот» бирлашмасининг ҳудудий органларига, ташкилотларга қарашли АЁҚШлар эса тегишли вазирликлар ва идораларга бўйсунди.

6. Стационар ва контейнерли АЁҚШга бошлиқ, мастер ёки АЁҚШ операторларидан бири, кўчма АЁҚШга эса ҳайдовчи-ёнилғи қуювчи раҳбарлик қилади.

7. Операторлар ва ҳайдовчи-ёнилғи қуювчилар моддий жавобгар шахслар ҳисобланадилар, улар билан жамоа (бригада) жавобгарлиги ёки шахсан моддий жавобгарлик тўғрисида шартномалар тузилади.

(8-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 18 сентябрдаги 397-сонли қарори билан ўз кучини йўқотди)

9. Ҳар бир АЁҚШда нефть маҳсулотларини ҳисобга олиш масса ва ҳажм бирликларида юритилади. Нефть маҳсулотлари массасини ўлчашнинг ишончлилигини ва бир хиллигини, шунингдек, уларнинг сифати назорат қилинишини таъминлаш учун АЁҚШ «Ўздавстандарт» маркази томонидан қўллашга рухсат берилган ҳамда Давлат метрология хизматининг тамғасига ёки паспортда тегишли белгига эга бўлган зарур асбоб-ускуналар ва ўлчов воситаларига эга бўлиши керак.

10. Ҳар бир АЁҚШда қуйидаги ҳужжатлар бўлиши керак:

технологик ва электр схемалари мавжуд бўлган АЁҚШ паспорти;

формулярлар ва ёнилғи ҳамда мой қуйиш колонкаларининг техник баёни;

резервуарларнинг паспортлари;

резервуарларнинг градусларга бўлинган жадваллари;

АЁҚШдан техник фойдаланиш қоидалари;

тарқатиш ведомостлари ва лимит дафтарчалари бўйича автотранспорт воситаларига ёнилғи қуйиш учун нефть маҳсулотлари, суюлтирилган ва табиий газни бериш тартиби («Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компанияси АЁҚШлар учун);

(10-банднинг еттинчи хатбоши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 8 февралдаги 59-сонли қарори таҳририда)

хавфсизлик техникаси ва ёнғин хавфсизлиги бўйича йўриқнома;

тозалаш иншоотларидан фойдаланиш бўйича йўриқнома (тозалаш иншоотлари бўлган АЁҚШлар учун);

ишлатилган нефть маҳсулотларини тўплаш бўйича йўриқнома (ишлатилган нефть маҳсулотларини тўплашни амалга оширувчи АЁҚШлар учун);

(10-банднинг ўн биринчи хатбоши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 8 февралдаги 59-сонли қарори билан ўз кучини йўқотган.)

сервис дафтарчалари квитанциялари намуналари (хорижлик транспорт воситаларининг эгаларига хизмат кўрсатувчи АЁҚШлар учун);

нефть маҳсулотларининг чакана нархлари прејскурантлари (нефть маҳсулотларини нақд пулга берувчи АЁҚШлар учун);

смена ҳисоботи;

идишларга қуйилган нефть маҳсулотлари, автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар ҳаракатини ҳисобга олиш дафтари;

(10-банднинг ўн олтинчи хатбоши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 8 февралдаги 59-сонли қарори билан ўз кучини йўқотган.)

нефть маҳсулотларини кредит карталари бўйича бериш ва уларга ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида йўриқнома (нефть маҳсулотларини кредит карталари бўйича берувчи АЁҚШлар учун);

келтирилган нефть маҳсулотларини ҳисобга олиш журнали;

ўлчов воситаларини текшириш жадвали;

асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва мол-мулкни ҳисобга олиш журнали;

АЁҚШ ходимларининг лавозим йўриқномаси;

АЁҚШнинг ўлчов воситалари билан жиҳозланганлик рўйхати;

шикоятлар ва таклифлар дафтари.

11. АЁҚШнинг ўлчов, техник хизмат кўрсатиш воситалари билан жиҳозланганлиги, уларни ишлатиш, сақлаш ва асраш тартиби АЁҚШнинг ўлчов воситалари билан жиҳозланганлик рўйхатига мувофиқ амалга оширилиши керак.

12. АЁҚШда навбатчи операторнинг фамилияси, АЁҚШнинг нефть маҳсулотларини бериш тартиби албатта кўрсатилган иш вақти, яқин орада жойлашган АЁҚШлар схемалари кўрсатилган тахтачалар осиб қўйилган бўлиши керак.

13. АЁҚШ бадий жиҳатдан безатилган пешлавҳалар, рекламалар, кўргазмали ташвиқот воситалари билан жиҳозланган бўлиши керак. АЁҚШнинг теварак-атрофи ва катта автотўллардан кириш қисмининг бетон ҳамда асфальт қопламаларида нуқсонлар бўлмаслиги керак, АЁҚШ эгаллаб турган майдончалар текис бўлиши ҳамда автомашиналарнинг колонкалар ва қуйиш қурилмаларига эркин келишини таъминлаши лозим. АЁҚШ бинолари, иншоотлари, майдончалари, шунингдек, унинг теварак-атрофидаги жойлар санитария-маиший ва ёнғинга қарши нормаларга жавоб бериши керак.

Кўрсатилган талабларни таъминламагани учун АЁҚШ раҳбарига ҳайфсан эълон қилинади ёки унга жарима солинади. Мазкур интизом чораси такрор қўллангандан сўнг айбдор ишдан бўшатилади.

14. Сутканинг қоронғи вақтларида АЁҚШнинг теварак-атрофи амалдаги нормаларга мувофиқ ёритилиши керак. Нефть маҳсулотларини қуйиш ва қабул қилиш жойларининг ёритилишига алоҳида эътибор берилиши керак.

15. АЁҚШлар телефон ва радиоканрай алоқаси билан жиҳозланган бўлиши керак.

16. АЁҚШ томонидан давлат юк автомобилларига, автобусларга, муайян йўналишдаги автомобилларга, такси ва бошқа транспорт воситаларига ёнилғи тижорат банкларининг сўмлардаги электрон карточкалари бўйича ёки белгиланган тартибда тарқатиш ведомостлари бўйича ва нақд пулга сотилади.

(16-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 8 февралдаги 59-сонли қарори таҳририда)

17. Нефть маҳсулотларини нақд пулга берувчи АЁҚШларда пул маблағлари ўғирланишини ва АЁҚШ биносига руҳсат берилмаган ҳамда чет кишиларнинг киришини истисно қилувчи чора-тадбирлар кўрилиши керак.

18. Ёнилғи-мой ва аралашмалар қуйиш колонкаларини тузатиш ва созлаш зарур бўлган ҳолларда давлат ишончномаси тамғасини бузишга тегишли вазирлик ёки идора, «Ўздавнефтмаҳсулот» бирлашмасининг ҳудудий органи томонидан буйруқ билан тайинланган шахсларга, тамғаларни бузиш пайтида жамловчи счётчикнинг кўрсаткичлари асбоб-ускуналарни тузатишни ҳисобга олиш журналида албатта қайд қилинган ҳолда, руҳсат берилади. Колонкалар тузатилгандан ва созлангандан кейин белгиланган талабларга мувофиқ текширилиши ҳамда текшириш натижалари ижобий бўлган тақдирда ушбу колонкаларнинг техник баёнида кўрсатилган схема бўйича тамғаланиши керак.

19. АЁҚШ раҳбарининг айби билан АЁҚШда ёнилғи-мойлаш материаллари бўлмаган тақдирда назорат қилувчи орган тегишли органлар олдига уни ишдан бўшатиш масаласини қўйишга ҳақлидир.

(20-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 18 сентябрдаги 397-сонли қарори билан ўз кучини йўқотган)

21. АЁҚШда ҳар бир ойнинг 1-кунида резервуарларда ва бошқа сақлаш жойларидаги барча нефть маҳсулотлари қайта рўйхатдан ўтказилиши керак. Зарурият бўлганда нефть маҳсулотларини қайта рўйхатдан ўтказиш исталган бошқа муддатда амалга оширилиши мумкин (моддий жавобгар шахс алмашганда, тафтиш муносабати билан ва бошқа ҳолларда).

22. Қайд этиб ўтилган Қоидаларни ҳамда АЁҚШда нефть маҳсулотларини қабул қилиб олиш, сақлаш, ҳисобга олиш ва беришнинг белгиланган тартибини бузишда айбдор бўлган шахслар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиладилар.